



**Б.М.Умаров,**  
“Дин психологияси ва педагогика” кафедраси  
профессори, психология фанлари доктори



## ОИЛАВИЙ ТАРБИЯ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ АЙРИМ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Муҳтарам Президентимизнинг «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган ХХІ асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормокда. *«Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди»*, дейди донишмандлар. Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди»<sup>1</sup> — деб таъкидлаши юртимизда ёшлар тарбиясига, айникса оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

Маънавий егук оила — маънавий юксак жамият таянчидир. Оила — урф-одатлар, шажара, анъаналар, ахлокий-маънавий қадриятларни фарзандлар онгига сингдириш, ҳар бир оила аъзосини касб-ҳунар малакалари билан

қуроллантириш, маънавий баркамолликни тарбиялашнинг асосидир.

Миллий маънавий қадриятларнинг, миллий тарбия усуллариининг аҳамиятини камситмаган ҳолда ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий шароитда ҳам тарбия соф миллий мезонлар доирасида қолиб кетиши мумкин эмас. Жамият тараққиётининг барча давларида тарбиянинг мазмуни ва йўналиши миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги билан белгиланади. Бу назарий қоида бугунги кунда ижтимоий тарбияга ҳам, оилавий тарбияга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Қуйида биз оилада фарзандларни тарбиялаш, тарбиядаги йўл қўйилаётган хатоликлар, ёшлар тарбиясининг бузилиши ва унинг олдини олиш борасидаги муаммоларни ўрганиб ва таҳлил қилиб, бугунги кун амалиётига жавоб берадиган ўзимизнинг илмий ва ҳаётий ҳулосаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Бутун дунё ва хусусан юртимизда юз бераётган янги ижтимоий-тарихий воқеликлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. 1 июль 2017 й.

оила, оилавий муносабатлар ва оилавий тарбияда жиддий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Шундан келиб чиқиб, оилада фарзандларни мустақиллик руҳида, янгича фикрловчи шахс сифатида тарбиялаш оиладан бошланишини эътиборга олиб, оилавий тарбия мазмунини қайтадан кўриб чиқиш ва уни янада бойитиш, унинг асосий йўналишларини белгилаш ва шу аснода мақсад ва вазифаларни ҳамда уларни қандай воситалар билан амалга ошириш йўллари аниқлаш муҳим ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-психологик зарурият бўлиб бормоқда.

Ана шу заруриятдан келиб чиққан ҳолда, оилаларда фарзандларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда миллий қадриятларнинг ўрни катта.

Маълумки, миллий истиклол ривожланишининг ҳозирги босқичи оилавий тарбияда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг янгича мезонларини ўртага ташламоқда. Бу мезонлар ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий онг, миллий ўз-ўзини англаш, миллий тафаккур, миллий тарбия каби тушунчаларда ўз ифодасини топган бўлиб, улар тарбиявий жараённинг бугунги кунда ривожланиши учун муайян тарздаги бир мақсадга қаратилишини таъминлайди.

Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш устида тўхталганда, миллий ахлоқ ва тарбиянинг ўзига хос хусусиятини очиб бермоқ зарурдир.

Миллий ахлоқ ва тарбияда ота-бобола-римизнинг тарихий тажрибалари, даврлар синовидан ўтган ҳаёт сабоқлари ва ўғит, кўрсатмалари жамулжамдир. Шу боисдан миллий ахлоқий қадриятларимиз асрлар оша авлодлардан-авлодларга ўтиб келмоқда.

Ҳар қандай ахлоқий фазилят у ёки бу йўсинда инсондаги хатти-ҳаракатни тартибга солишнинг ифодаси бўлиб, инсонга бўлган ҳурмат эътибор, меҳр-муҳаббатни билдиради ва у умумбашарий мазмунни акс эттиради. Зотан, ҳар қандай шахс одамзотнинг бир зарраси экан, унда бутун одамзотнинг моҳияти мужассам, шунинг учун ҳам у бутун инсониятга мансубдир. Шунга кўра, ҳар бир ота-она ўз фарзанди тарбиясида, уни баркамол инсон бўлиб етиштиришда умуминсоний маъно ва мазмунни кўрмоғи мақсадга мувофиқ. Боланинг ахлоқий

фазилятлари умуминсоний характер касб этиб, умумбашарий қадриятга айланишини англаб етган ота-она фарзандлари тарбиясидаги маъсулиятни чуқур ҳис қилишларини тақозо этади.

Оилада шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш боланинг туғилиши билан бошланади ва у оилавий муносабатлар характери, ота-оналарнинг намунаси, улардаги умумтаълим даражаси, умуммаданий савияси ҳамда умумпедагогик маданияти ва оилавий ҳаёти қандай ташкил этишни ўз ичига олади. Бу омиллар оилада болани маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмунини ташкил этади ва улар бир қатор педагогик-психологик хусусиятларни ўз ичига олади. Буларни ҳисобга олиш эса болани маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда миллий ахлоқий қадриятлардан фойдаланишнинг моҳиятини, ўзига хослиги ва аҳамиятини билишга ёрдам беради.

Кузатишларимиз ва манбалардан маълум бўлишича, оилада фарзандларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш борасида шарқ мутафаккирлари мероси ва ислом таълимотида жуда кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалар илгари сурилади.

Инсон бутун мавжудотлар ичида энг улуғи, барча нарсалар унинг учун яратилган, деган ғоя исломий маънавиятнинг негизини ташкил қилса, инсонларни ўзаро маънавий оқибатли бўлишга ундаш ва уларда олийжаноб фазилятларни шакллантириш ислом тарбиясининг асосидир.

Ислом халқнинг ижтимоий ҳаётига, хусусан, оилавий муносабат-ларига, маданияти ва миллий анъаналарига сингиб кетган, аммо бундан ўзбек халқининг қадимий, такрорланмас маданияти, жумладан оилавий қадриятлари ислом динисиз мавжуд бўлмас эди, деган қараш келиб чиқмайди. Исломий маънавият манбаларида оила, оилавий муносабатлар ва оилавий тарбияга оид қарашлар тизими мавжуд, у оиланинг шаклланиши, ривожланиши ва мустақамланишига қаратилган барча жиҳатларни ўз ичига олади. Бундай қарашлар илоҳиёт нуктаи назаридан ўртага ташлансада, улар кишиларнинг ҳаётий фаолиятлари, турмуш тарзлари ва ижтимоий эҳтиёжлари, ниҳоят оилавий муносабатлари талабидан келиб чиққанлиги учун ҳам ақлга ва кундалик турмушга мувофиқ ҳисобланади.

Исломда оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида кўрсатиб ўтилади. Бу хусусиятлар мусулмончилик талабларидан келиб чиққан бўлиб, улар ёшларни ахлоқий тарбиялаш ҳақидаги умумий ғоялар билан бир қаторда болани инсонийликка ва эзгуликка даъват этишга хизмат қилади ва умуминсоний мазмунга эгадир. Шунга кўра, бугунги кунда ота-оналар исломий маънавиятнинг ана шундай умуминсоний мазмунини болалар шуурига сингдириб боришлари зарур.

Ёшларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришда, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аجدодларимиз мероси катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етишга ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган алломаларимизнинг асарларида соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида ўрин берилган. Шарқ алломалари ўз асарларида фарзандларга тарбия ва таълим бериш, уларни маърифату маданиятга етаклаш муаммоларига эътибор берганлар. Буюк мутафаккирлар фарзанд тарбияси, гўзал ахлоқнинг инсон камолотига сабаб бўлувчи юксак фазилат эканини таъкидлаганлар. Жумладан, Имом Бухорийнинг “ал-Адаб ал-муфрад” ҳадислар тўплами, Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофилин” асарларида фарзандларда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш тараннум этилган. Юртимиз уламолари ўз асарларида фарзандининг чиройли одобидан умид қилган ота-она, уни мунтазам равишда ҳусни хулқ асоси бўлган муомала одобининг куйидаги қирралари билан таништириб бориши муҳим эканини алоҳида таъкидлаганлар:

– фарзандингиз одамлар билан муомалада ширинсўз, мулойим, босиқ ва камтар бўлишига эътибор қаратинг;

– одамлар хурсандчилигини баҳам кўриш, ғам-андухидан қайғуриш, мол-мулкка хиёнат қилмаслик, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариш ҳусни хулқ эгаларига хос фазилатлардандир. Шунинг учун фарзандингизга ана шу хислатларни болаликдан сингдириш пайида бўлинг;

– фарзандингизга ўзгалар билан муомала чоғида бошқаларни ғийбат қилиш, ўзгаларни

менсимаслик, обрўси, бойлиги ёки мансабига қараб муносабат кўрсатиш ҳам одобсизлик эканини ўқитиб бординг;

– ёши улуг кишилар, устозлар билан муомалада уларнинг кўзига тик боқмай, гапларини жим тинглаш, саволларигагина жавоб қайтариш, буйруқларини сидқидилдан бажариш ҳам болалар қалбига жо қилишга эътибор бординг.

Абу Али ибн Сино оилавий тарбиянинг умумий асосларини баён этишга ҳаракат қилган. «Агар оила тарбия усулларидан тўғри фойдаланса, – деб ёзган эди олим, – ўз ҳаётида бахтга эришади».

Ибн Сино оилада болани тарбиялаш аҳволидан қатъи назар, ота-онанинг асосий бурчи деб ҳисоблаган ва ўз қусурларини бартараф қилган кишигина бошқаларни тарбиялаши мумкинлигини таъкидлаган. Ибн Сино болани тарбиялаш омилларини таҳлил қилиб, улардан энг тўғриси – болалар билан бирга бўлиш ва ижобий мисоллардан фойдаланиб, алоҳида-алоҳида суҳбатлашиш, унинг иззат-нафсига тегмаслик, деб ўқитган. Ибн Сино тарбияда отанинг ролини ифодалашга катта аҳамият берган. Унинг «Рўзғоршунослик» китобида «Отанинг болаларга муносабати» деган боб бор. Унда Ибн Сино жумладан: «Оналар ўз табиатларига кўра юмшоқ кўнгилдирлар ва ўзларининг эркалашлари билан боланинг характерини бузадилар», – дейди. Ибн Синонинг фикрича, оилада асосий тарбиячи ота бўлиши, у мақсадга эришмоқ учун болани баъзан жазолаш, баъзан рағбатлантириш, вақти-вақти билан мақташ, баъзан танбеҳ бериш, вақтида кўрkitиб кўйиш лозим.

Оилада бола тарбияси тўғрисида Алишер Навоийнинг ажойиб фикрлари мавжуд. Унинг фикрига кўра тарбияда энг муҳими болаларни севиш, «Болага, – деган эди улуг шоир, – кичиклигидан бошлаб, ёшини ҳисобга олган ҳолда ахлоқий тарбия бермоқ зарур».

Таниқли шоир ва педагог Абдулла Авлоний ҳам оилада болалар тарбияси тўғрисида муҳим аҳамиятга эга бўлган ажойиб фикрларни баён қилган. У ўзининг “Яшнаган ўлка ва ахлоқ” номли китобида ёзганидек, боланинг соғлиғи ва бахти аввало унинг яхши тарбияланишига, баданининг тозаллигига, эътиқод хо-

сил қилишига, яхши хулққа эга бўлишига, уни ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлардан огоҳлантирилишига боғлиқ.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда оилавий муносабатларнинг янги кўринишлари қарор топмоқда. У кўп йиллар давомида таркиб топган ва анчайин барқарор бўлган эски тузилмаларнинг емирилишига олиб келмоқда. Бу нарса бола онгига манфаатдорлик ҳиссини, мулкчилик руҳиятини сингдиришни талаб этади.

Ўзбек оилаларида кенг тарқалган ҳалоллик, тўғрилиқ, бировлар ҳақида хиёнат қилмаслик, хайр-эҳсон, саховат ва мурувват, тежамкорлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик каби фазилатлар миллий ва диний қадриятлар замирида шаклланган ҳамда улар оилавий тарбия натижасида ота-оналаридан болаларига ўтиб, уларнинг маънавий дунёсини бойитган.

Оиланинг муҳим вазифаларидан яна бири коммуникативлик бўлиб, унинг мазмунини оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, оммавий ахборот воситалари билан оила аъзолари ўртасидаги яқин алоқани таъминлаш, тевақатрофдаги табиатни, ижтимоий муҳитни идрок қилиш каби масалалар ташкил этади.

Кейинги йилларда ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда оммавий ахборот воситалари, матбуотнинг таъсири ҳам катта ўрин тутмоқда. Ёшларнинг кўрган-эшитган, ўқиган нарсаларини ўзлаштиришларида ва тегишли хулосалар чиқаришларида ҳам оила воситачилик вазифасини бажариши лозим.

Оилада бўш вақтни самарали ташкил этиш оиланинг асосий вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам бўш вақт жамиятнинг муҳим ижтимоий қадриятларидан бири ҳисобланади. Оилада бўш вақтни фаол ташкил этиш, яъни китобхонлик, меҳнат, шунингдек музей, кино, театр, концерт, тарихий обидаларга, қадамжоларга саёҳатлар уюштириш ва бошқалар оила баркамоллигини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Болалар катталарнинг юриш-туришларини, муомаласини, қўшнилари, ўртоқлари билан қандай гаплашишларини кузатадилар. Шунинг учун ёш болалар олдида мақтаниш

ёки бошқаларни ғийбат қилиш мутлақо ёмон одат бўлиб, бу болаларга салбий таъсир кўрсатишини унутмаслик лозим бўлади.

Агар боланинг отаси ёки онаси бошқаларга нисбатан қўпол, бадфеъл, сержаҳл бўлса, арзимаган нарсалар устида ғавғо кўтарса, ўз боласининг асабини бузади, бу ҳол боланинг руҳиятига салбий таъсир этади. Бундай шароитда эстетик тарбияга ўрин қолмайди. Болаларни эстетик ҳислари баркамол кишилар қилиб вояга етказиш учун оиладаги катталарнинг ўзлари эстетика талабларига тўла амал қиладиган кишилар бўлишлари лозим.

Оилада болаларни саранжон-саришталикка, озодаликка ўргатиш, ўз буюмларини, кийим-кечакларини эҳтиёт қилишга одатлантириш уларда интизомни тарбиялайди.

Болага ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари ҳадеб васийлик ва ҳомийлик кўрсатавериши ҳам яхши натижа бермайди. Ота-оналар ёки оиланинг катта аъзолари бундай муносабатнинг ўрнига болалар билан ҳамфикр, дўст каби муносабатда бўлсалар, болаларда ўз-ўзини баҳолаш, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашиш ҳиссининг шаклланишига туртки бўлади.

Оилада болаларга тарбиявий таъсир этиш сифатини ошириш учун ота-она ва оиланинг катта аъзолари томонидан болага қўйиладиган талаблар ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишда сўз билан иш бирлиги бўлиши яхши натижа беради. Оилада бундай бирликнинг бўлмаслиги бола хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, болалар ва ўсмирлар билан муносабатда бўлишда уларнинг кўнглига, ёш хусусиятларига, психологиясига эътибор бермаслик, оилаларда бир-бирини ҳақоратлаш, дўқ-пўписа ва зулм ўтказиш асосида қилинадиган муносабат болаларда кўрқоқлик, асабийлик, ёлғончилик, шафқатсизлик, қўполлик, андишасизлик каби сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Бундай сифатлар болалар ва ўсмирларда тарбия бузилишининг келиб чиқишига имконият яратади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, оила – фарзандларни ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб етиштиришларида муҳим ўрин тутадиган асосий тарбия ўчоғидир.